



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 30 апрель, № 86 (4749)

Пайшанба

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVNING OROLNI QUTQARI SH XALQARO JAMGARMASI TA'YISCHI DAVLATLARI RAQBARLARINING KENGAITIRILGAN TARKIBDAGI UCHRA SHUVIDA S'UZLAGAN NUTQI

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 28 апрель кuni Қозогистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислмо Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу нутқи матни эълон қилинмоқда.

Муҳтарам давлат раҳбарлари,
Хонимлар ва жаноблар,
Авваламбор, давлат раҳбарлари ва бу ерда ҳозир бўлган минтақавий ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, экспертларни, ушбу учрашувнинг барча иштирокчиларини қутлаш ва уларга ўзининг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Абдишевич Назарбаевга аънаваный меҳмондўстлик ва анжуманимиз қатнашчиларига кўрсатилаётган катта эътибор учун саммитий миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг мазкур учрашуви нечоғли долзарблигини ва мажлисда муҳокама этиладиган масалалар факатгина минтақавий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлашнинг ҳоҳати йўқ, деб ўйлайман.

Орол денгизи муаммосининг илдиизи узоқ ўтмишга бориб тақалди. Аммо бу муаммонинг қўламини ХХ асрнинг 60-йилларида, айниқса, ҳавфли тус олди. Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, сугорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, сув тақтил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиши турши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига — сайёрамизда энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига олиб келди. Бутун инсоният кўз ўнгига денгиз ҳалокати кўз тутмоқда. Менинчак, тарихда бундай ҳодиса илгари рўй бермаган.

Сўнгги элик йил ичида Орол денгизи акваторияси

сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Бу ерда пайдо бўлган чўл Оролбўйи худудини шафқатсизларча қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Экологик ҳавф доимий тус олиб, мавжуд худуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, у фарзандларимиз генофондида, бу ерда истикомат қилаётган аҳоли генофондида ҳавф солмоқда. Бу ҳавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар — Қозогистоннинг Қизил Урда вилояти, Туркменистоннинг Тошхувус вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда.

Сув ресурсларининг, жумладан, ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши туфайли иқлим ўзгаришлари, эҳтимов, шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши — булар Орол денгизининг ҳалокати натижасида вужудга келаётган салбий оқибатларнинг кичик бир рўйхати, холос.

Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқши ва асоратларни жиҳатидан глобал, таъбир ҳоиз бўлса, бутун сайёрамиз миқсидидаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Экспертларнинг фикрича, тобора ҳалокатли тус олиб бораётган бундай таҳликали вазиятда шу нарса борган сари аён бўлмоқдаки, бу муаммони жаҳон ҳамжамияти ва биринчи навбатда, БМТ институтлари билан бирга, кўпроқ мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас. Маълумки, жорий йилнинг март ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганига 16 йил ўтди ва бугун биз унинг фаолиятига доир айрим натижаларни кўриб чиқишимиз мумкин. Жаҳон жамоатчилиги, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳукуматлари ва қатор халқаро институтлар эътиборини Орол муаммосига жалб эта олганимиз, шубҳасиз, ушбу Жамғарманинг хизматиدير.

Ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экология фонди, турли халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг фаол ёрдами ҳамда иштирокчилик минтақада истикомат қилувчи аҳоли генофондида ҳавф солаётган ноҳус вазиятни соғломлаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2008 йилда Оролни қутқариш халқаро жамғармасида БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақомининг берилиши унинг глобал миқсда фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар очмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда Орол бўйича халқаро конференция ўтказилгани ушбу ўта жиддий муаммони халқаро даражада кўриб чиқишга яна бир сезиларли туртки берди. Анжуманда 90 дан ортиқ халқаро ташкилот, Япония, Германия, Хитой Халқ Республикаси ва араб мамлакатларининг йирик давлат молия институтлари, шунингдек, етакчи тадқиқот марказлари вакиллари

иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Форум яқунлари бўйича Тошкент Декларацияси ва Орол ҳалокатининг оғир оқибатларини юмшатиш учун умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутадиган Ҳаракат режаси қабул қилинди.

Бизнинг фикримизча, халқаро институтлар ва доно-р-мамлакатлар томонидан маъқулланган ушбу Ҳаракат режасидан экспертларимиз ва Халқаро жамғара мутахассислари Орол денгизи ҳавзасидаги минтақага ёрдам кўрсатиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг учинчи босқичини ишлаб чиқишда самарали фойдаланишлари мумкин.

Биз, Ўзбекистонда Орол денгизини том маънода қутқариб қолишнинг амалда деярли иложи йўқлигини аъхи англаймиз. Аммо бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечирishi учун зарур шарт-шароит яратиш мақсидида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиздир.

Орол қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи ҳавзасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида бизнинг асосий, энг муҳим вазифаларимиз, аввало, қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш, чанг ва туз буронларини камайтириш мақсидида дельта ҳавзаларига сув етиб боришини таъминлаш, биохилма-хиллик ва дельта экотизимини қайта тиклаш;

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида жуда муҳим бўлган ўрмонзорлар барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қараб ётган тубидан захарли моддалар кўтарилишини камайтириш;

— коммунал хизмат ва далолат муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш ва суви зарарсизлан-

(Давоми 2-бетда).



ИННОВАЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА



Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида II республика инновация голяри, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаси қизғин давом этмоқда. Унда 120 дан ортиқ ташкилот 800 га яқин янги технология ва ишланмалари билан қатнашмоқда.

Ишлаб чиқарувчиларга тақдим этилаётган интеллектуал маҳсулотлар ва услуналар, инновация лойиҳалари ҳамда ишланмалари импорт ўрнини босишга йўналтирилгани боис иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу, ўз навбатида, ярмарка кундалигининг ишчан руҳда кечилиши таъминлаётди.

«Вал-тешик» биркимиз — энг янги маҳсулотларимиздан бири, — дейди Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети профессори

Ярмарка

Жавлон Алиқуллов. — Унинг ёрдамида тишли гилдираклар, муфта, шкиф деталларининг аниқлиги 5-6 баробарга ортади. Бу янги биркимиз Навоий машинасозлик заводида синовдан муваффақиятли ўтди.

Ярмаркада ушбу университет олимлари кейинги йилларда яратилган 50 дан зиёд ишланмалари билан қатнашмоқда. Уларнинг асосий қисми машинасозлик, кон-металлургия сингари иқтисодий таъмининг етакчи тармоқларига мўлжалланган лойиҳалар ва услуналардан иборат. Эътиборлиси, ишланмалар юқори аниқлида ишлаши, тежамкорлиги ва иқти-

содий самарали эканлиги билан ажралиб турибди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника илмий-ишлаб чиқариш марказининг комплекс ишланмалари ҳам қишлоқ хўжалиги ходимларини ўзига жалб қилмоқда. Гап шундаки, тақлиф этилаётган лойиҳа бўйича оқова сувларда турли ўсимликлар ўстирилиб, у зарарли моддалардан тозаланади. Натижада бу сувдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имконияти яратилади. Ўсимлик посидан тайёрланган ўғит эса тупроқ унумдорлигини бирмунча оширади.

Ярмарканинг иккинчи иш куни доирасида «Инновацион фаолиятда технологиялар алмашинуви» мавзусида семинар ҳам ўтказилди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: ярмарка фаолиятидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОВ
олган сурат.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир дунёда йигирма олти миллион нафар бемор онкологик диспансерлар назоратида туради.

Хасталик қизғин меҳнат фаолияти юритиладиган давр, яъни 45-60 ёшдаги одамлар, айниқса, аёллар ўртасида, кўпроқ қайд этилаётгани ташвишланарлидир. Унинг келиб чиқши ва ривожланишида генетик ва экологик омиллар бир қаторда, соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик, белгиланган муддатларда тиби қўридан ўтмаслик, чекиш, ичиш сингари ўллатларга руку қўйиш ҳам сабаб бўлади.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган онкология соҳасида инновацион технологияларни қўллаш самараларига бағишланган илмий-амалий анжуманда ана шулар ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси, Тошкент тиббиёт академияси, Республика онкология илмий маркази ва «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоат-

чилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар ва ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Франциядан келган мутахассислар ҳам иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш Президентининг Ислмо Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасида

(Давоми 2-бетда).

Парламент ҳаёти

Бухорода Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр ййгилиши бўлиб ўтди.

ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда «Фуқароларнинг муҳожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Дастлаб кун тартибидаги масала юзасидан мазкур қўмитанинг ҳамда вилоят ҳокимлигининг ахборотлари тингланди.

Қайд этилганидек, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органларида фуқаролар муҳожаатларини ўрганиш, ариза ва шикоятлар билан ишлаш борасида муайян тажриба туپланган. Шу билан бирга, тақоррий аризалар, аҳоли муҳожаатлари тегишли идораларда махсус назоратга олинган.

Ййгилишда ушбу соҳада олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йил биринчи чорагида аҳолидан вилоят ҳокимлигига тушган муҳожаатлар сони ўтган йилнинг шу давригагина нисбатан 121 тага ошган. Шу боис иштирокчилар аризаларни Қонунда белгиланган муддатларда қайта қилиш ва аризага жаъоб бериш масалаларига эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлашди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлигига аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича зарур тақлиф ва тегишли тавсиялар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг қарори қабул қилинди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINI 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислмо Каримов томонидан 2008 йил ноябрда тасдиқланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга ошириш доирасида комплекс чора-тадбирларни ва 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини ҳаётга таъбиқ этиш борасида белгиланган вазифаларнинг баҳарлиги 2009 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор ижобий суръатларини сақлаш имконини берди.

I. Асосий макротиқсодий кўрсаткичлар

Жорий йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,9 фоизни ташкил этди. Бу борада қуйидагилар:
— санаот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 9,9 фоиз, жумладан, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни 12,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 5,7, қурилиш ишларини 12,1, чакана товар айланмасини 18,3, пулли хизматлар ҳажмини 17,6 фоиз оширишни таъминлаган ички эҳтиёжни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши;

— таркибий туб ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни техник ва технология янгилашни фаол давом эттириш ва бунинг натижасида инвестицияларнинг 31,4 фоиз қўлайиши таъминлангани;
— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида уларнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратилгани иқтисодий

дўй ўсишининг асосий омиллари бўлиб хизмат қилди.
Давлат бюджети даромадлари 100,9 фоиз баҳарилди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан бюджет профицити 0,4 фоиз миқдорда таъминланди. Инфляция даражаси 2,7 фоизни ташкил қилди ёки прогноз кўрсаткичлар доирасида бўлди. Экспорт ҳажми 2008 йилнинг тегишли даврига нисбатан 6,1 фоиз ўсди. Савдо балансининг ижобий салдыси 206,9 миллион долларни ташкил қилди.

II. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида корхоналарни молиявий ва кредит жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари

2009 йилнинг I чорагида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини олдини олиш ва бартараф этиш мақсидида Ўзбекистон Республикаси

Президенти томонидан 16 та Фармон ва қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг 18 та қарори, фармойиши ва бошқа ҳужжатлари, вазириликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг 5 та меъёрий ҳужжати қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг фаол амалга оширилиши иқтисодийнинг барқарор ривожлантиришини таъминлаш имконини берди.

Жорий йил I чорагида мамлакатимиз корхоналарига қатор имтиёз ва преференциялар, жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган кредит ва бюджет қўмағи берилди, хусусан:
— истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар бериш ва санаот ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови солиқ ставкасини 8 фоиздан 7 фоизга камайтириш. Натижада ушбу солиқ бўйича 2009 йилнинг I чорагида бюджетга тушумлар миқдори 2008 йилнинг шу даврига нисбатан 42,1 фоиз ошди ва бу мазкур чораларнинг самардорлигидан далолат

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилнинг I чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2008 йил биринчи чорагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,9
Санаот маҳсулотлари ҳажми	109,9
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	112,5
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	105,7
Асосий капиталдаги инвестициялар	131,4
Қурилиш ишлари	112,1
Чакана савдо айланмаси	118,3
Пулли хизматлар кўрсатиш	117,6

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, сув йиғиш иншоотларини хлорловчи қурилмалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган бошқа кўлаб тадбирларни бажариш;

— Оролбўйи ҳудудда кўлами тобора кенгайиб бораётган экологик таъсирнинг аҳоли саломатлиги ва фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз генотипига таъсирини тизимли асосда ўрганиш, ушбу минтақага хос турли хавфли касалликлар одамлар орасида кен тарқалишининг олдини олиш ва бундан огоҳлантириш, бу ерда яшаётган аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш, ихтимолйи инфратузилмани жадал ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурига амалга ошириш.

Қайд этилган лойиҳалар ва дастурларни жорий этиш учун фақат кейинги 10 йил мобайнида Ўзбекистонда 1 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, хорижий кредитлар, техник кўмак ва грантлар ҳисобидан қарийб 265 миллион долларга тенг маблағ сарфланди.

Шу юксак минбардан туриб, менга берилган имкониятдан фойдаланиб, Орол фожиясини юмшатишда бизга катта ёрдам қилган Бирлашган Миллатлар Ташкилати ва унинг тузилмаларига, барча донор-мамлакатларга чўқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг инсоний бурчим, деб биламан.

Яна бир муҳим масала тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Орол фожияси ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, табиийки, ушбу вазифани ҳал этиш бевоқиф сав-энергетика ресурсларидан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, минтақадаги ўта нозик бўлиб турган экологик ва сув мувозанатини сақлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш муаммолари билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугун Оролбўйи ҳудудидида ва умуман, минтақада юзага келган ниҳоятда жиддий ва тобора оғирлашиб бораётган экологик вазиятда Орол денгизи қуриши туфайли юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида фоят муҳим чоралар қўриш кераклигини кимгадир исботлаб ёки кимдир бунга ишонтириб ўқишининг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Хурматли учрашув қатнашчилари,

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви чоғида кенгайтирилган таркибдаги музокарада фақат битта масала — Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти ва унинг истиқболдаги асосий вазифаларини муҳокама қилишга қилиб олинган эди. Бироқ айрим ҳамкасбларимиз ўз сўзларида кенгайтирилган таркибдаги музокарадаги қилишувимиз доирасидан чиқиб кетди. Шунга қарамай, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасидан анча йироқ бўлган масалалар юзасидан бугун баҳс-муноза-

ра уюштиришдан ҳеч қандай маъно йўқ, деб ўйлайман.

Мен фақат биз учун жуда муҳим бўлган бир воқеа, яъни яқинда Жаҳон банки президенти жаңо Роберт Зеллиқнинг олинган ва Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган мақтуб ҳақида яна бир бор эслатиб ўтишни истардим. Бу хат Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда Марказий Осиёда бутун минтақа гидроэнергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш билан боғлиқ барча мураккаб муаммолар аниқ баён этилган мақтубга билдирилган жавоб эди.

Сўнгги йилларда маъмур масала жиддий баҳс ва муҳокама олиб борилмоқда. Минтақамиздаги икки азим дарё — Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар билан бу дарёларнинг қуйи қисмидаги мамлакатлар — Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ўртасидаги баҳслар чоғида вужудга келган турли қарашларнинг бўлишини табиий ҳол, деб ҳисоблайман.

Тожикистон ва Қирғизистон, аввало, фақат ўз манфаатларини кўзламоқда. Ҳолбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаатлари ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг манфаатлари эмас, балки келажикнинг ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки бу ерда айтилганидек, совет даврида сув-энергетика дастурларини амалга ошириш борасида шу қадар кўп хатоларга йўл қўйилгани, бугун бу ҳақда афсусланиб гапиришга тўғри келади. КПСС Марказий

Қўмитаси, Сиёсий бюро ва СССР Министрлар Совети қарорларига биноан қабул қилинган Сибирь дарёлари Қозоғистон ва Урта Осиё ҳудудларига буриш ва бошқа кўлаб ташаббуслар ана шундай улкан лойиҳалар сирасига қиради.

Ишончим комилки, бундай «буёқ лойиҳалар»нинг бирортаси ҳам пухта ўйланмасдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар нафақат халқаро, балки умуман ҳеч қандай жиддий экспертизадан ўтмаган ва бу фикрни тасдиқлайдиган далиллар етарлидир.

«Партия қарорлари — ҳаёб» деган широгга асосланиб, оқибати ўйланмай қилинган бундай ишлар нафақат бизнинг минтақамиз, балки Совет Осиё Иттифогининг бошқа катта ҳудудларида ҳам шунчалик кўп муаммолар туғдиранки, бугунги кунда экологлар улар ҳақида афсус ва норозилик билан сўз юритмоқдалар.

Бу — алоҳида мавзу, албатта. Лекин бугун шу нарса аёнки, Марказий Осиё ҳудудидида маъмур сув омборлари, гидростанциялар ва бошқа иншоотларнинг қурилишига муносабатлар турлилик билан бўлмоқда. Бу эса кўзда тутилган асосий масала — электр энергияси олиш масаласини ҳал этиш билан бир қаторда, бугун биз ҳар қандам тўқнаш келётган кўлаб экологик муаммоларни ҳам қелтириб чиқарётгани билан боғлиқдир. Шу боис бу борада баъзи мунозаралар бўлиши мутлақо табиий ва қонуний ҳолдир.

Биз фақат минтақада янгидан қурилиши бошланган барча йирик гидроэнергетика иншоот-

лари бўйича муस्ताқил халқаро экспертиза ўтказиш тарафдори эканимиз яна бир бор таъкидламоқчиман, холос. Бу борада бизнинг нафақат Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки, балки Европа Иттифиқи ҳам кўлаб-қувватламоқда. Хусусан, минтақамизга, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонга бир неча марта келиб кетган Европа Иттифиқи вакили жаноб Морель ҳам шу ҳақда гапирган эди.

Шу сабабли бу ерда гап нафақат Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг нуктаи назари ҳақида, балки амалда бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, мен бундай баҳслар бўлиши табиийлигини, лекин мунозарани янада кескинлаштирадиган фикрлардан тийилиш зарурлигини таъкидлашнинг истардим. Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдидида маъсۇл давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж олдиришдан ва уларга сиёсий ту бермасдан, умумий ёндашув нукталарини топишимиз даркор, деб ўйлайман. Аса ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин.

Энг асосийси — мамлакатлар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирмасдан, аксинча, ўзаро муроғига келишидир. Бу борада биз учун бошқа йўл йўқ. Яна бир бор шунга таъкидламоқчиман, мен ҳам бошқалар каби Тожикистон ва Қирғизистон манфаатларини ҳурмат қиламан. Лекин барбир ўзаро келишувга эришимиз даркор, негаки, бусиз ушбу ўта муҳим масалани ҳал этиб бўлмайди.

Бугунги учрашувда Туркманистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг чиқишини, у илгари сурган айрим, айтиш мумкинки, принципиал тамойилларни тўлиқ қўлаб-қувватлашимни қайд этмоқчиман. Унинг Туркманистон позицияси баён этилган фикрига кўра, «биз ушбу минтақада давлатлар манфаатлари мувозанатига эришимиз даркор». Бу сўзларда ҳамма гап айтилган.

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муроғига келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечимиз узоқ йилларга қўйилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум — биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларимиз ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада «бўлиб ташла ва ҳукмонлик қил» деган принцип — эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин.

Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Эътиборингиз учун раҳмат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

сида олиб борилаётган кенг кўламли иншоотларнинг устувор йўналиши эканини алоҳида таъкидлади. Бу борада ишлаб чиқилган тегишли давлат дастурларида белгиланган вазифалар босқунма-босқун ҳаётият этилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётди.

Аҳоли, айниқса, оилаларга тиббий хизматни яқинлаштиришнинг ўзига хос шакли — бирламчи тиббий муассасалар фаолияти тобора такомиллашмоқда. Тиббятнинг таркиби йўналишлари, жумладан, онкологик хизмат

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

кўрсатиш кўлами кенгаймоқда. Бу жараёнда касалликнинг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш, унинг тарқалиш кўлиши ва даволашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Мамлакатимиздаги шифо масканларида бундай хасталикларнинг даволашнинг замонавий усули ва воситаларидан кенг фойдаланиш билан бир қаторда, онкология диагностикаси ва амалиётга оид кўлаб янги технологиялар яратилмоқда. Хасталанган аъзоларни қайта тиклашга хизмат қилаётган реконструктив операциялар, модификаторлар асосидаги нур терапиясига оид янги ёндашувлар, микрожароҳлик услублари, умуртқа поғонаси ўсмалини даволашга қадриятли услублар озиб беморларни ногиронликдан асраш ва соғлом ҳаётга қайтаришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда франциялик мутахассислар мамлакатимизда онкология йилини ривожлантириш, унинг ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида яратилган шартини ва амалга оширилаётган кенг кўламли илмий-амалий ишларга юксак баҳо бердилар.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2009 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

IV. Иқтисодий таркибни қайта қуришни ва диверсификация қилиш, иқтисодийнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш

Иқтисодийнинг реал секторидида инвестиция фаолиятининг ресурс базасини кенгайтириш чора-тадбирлари жорий йилнинг I чорагида банк ишлари янада такомиллаштириш, аҳоли ва ҳўжалик йўритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида банк тизимининг барқарорлиги сезиларли равишда мустаҳкамланди, банклар жами капиталнинг 46,3 фоиз ўсгани бунинг далилидир. Реал секторга сарфланган кредит маблағлари умумий микдори 34,5 фоиз ошди. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар микдори 65,7 фоиз кўпайди. Аҳолининг тижорат банкларидидаги омонати 76,2 фоиз ўсди.

Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг I чорагида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 2,65 триллион сўмни ташкил этди ва қийин нархларда 31,4 фоиз ошди. Манбалар кесимида, бюджет маблағларининг қийин ўсиши 71,8 фоиз, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари 42,4 фоиз, банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 25,4 фоиз, корхоналарнинг ўз маблағлари 16,4 фоиз ва аҳоли маблағлари 10,3 фоизни ташкил қилди. Капитал қўйилмалар таркибидида корхоналар ва аҳоли улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда (56,2 фоиз). Бу эса инвестиция фаолиятининг барқарорлигидан далолат беради.

Иқтисодийга капитал қўйилмалар умумий микдоридида ишлаб чиқариш қурилишга инвестицияларнинг 72,4 фоиз, жумладан, модернизация қилишга 33 фоиз йўналтирилди.

Ўзлаштирилган чет эл инвестициялари микдори 418 миллион долларни, уларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,3 фоизни ташкил этди. Бунда туғридан-туғри чет эл инвестициялари микдори 356,5 миллион долларни ташкил қилиб, 2,5 бараварга кўпайди. Уларнинг чет эл инвестициялари ва кредитлари умумий микдоридидаги салмоғи 85,3 фоизга етди.

2009 йилнинг I чораги якунларига кўра, 54 та ишлаб чиқариш объекти, жумладан, озиқ-овқат соноатида 25, ёнгил соноатда 8, қурилиш материаллари соноатида 17, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соноатида 3 та объект ишга туширилди. Капитал қўйилмалар микдорининг кўпайиши жорий йил биринчи чорагида қурилиш ишлари ҳажини республика бўйича 12,1 фоиз оширишни таъминлади.

ва улардан 84 тасини шу йил якунлаш кўзда тутилган. Жорий йилнинг I чорагида қайд этилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 98,7 миллион доллар йўналтирилди. «Қувасойцемент» очик акциядорлик жамиятида янги хом ашё теғирмонини қуриш ва ишга тушириш, Андижон вилоятидаги «Полвонтош текстиль» масъулияти чекланган жамияти тўқимачилик корхоналарини ва Тошкент вилоятидаги «Эзборн текстиль» хорижий корхонасини модернизация қилиш ва технология янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ниҳоясига етди. Мазкур объектларнинг ишга туширилиши цемент ишлаб чиқариш учун 300 минг тонна хом ашё тайёрлаш, йилга қўшимча 11,7 минг тонна калава ил ишлаб чиқариш ва 400 киши иш билан таъминлаш имконини беради.

Жорий йилда Марказий Осиёда илк бор «Навоийазот» ва «Максам-Чирчик» очик акциядорлик жамиятларида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенциясининг Киото протоколи доирасида соф ривожланиш механизминин қўлланган ҳолда, экологик тоза технологияларни жорий этишни кўзда тутувчи 6 та лойиҳа рўйхатга олинди. Ушунга қарамай, Тошкент вилоятида, кимё соҳасида (синтетик суоқ ёқилги, суоптирилган газ, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқариш), автомобилсозлик, электр энергетика соҳасида (ИЭСда БГК қуриш) каби қатор инновация лойиҳаларини ишлаб чиқариш ишлари давом эттирилди.

Янги ташкил этилаётган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлаштирилган лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда мазкур зонада ободонлаштириш ва ташқи коммуникацияларни барпо этиш ишлари бошланди.

Электрэнергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия истеъмолчини камайитириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш бўйича тадбирлар доирасида тендер савдолари якунланиб, Тошкент иссиқлик электр станциясининг буғ-газ қурилмасини жорий этган ҳолда модернизация қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, ҳўжалик йўритувчи субъектлар томонидан электр энергияси истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир чоралар қурилмоқда. Тошкент шаҳрининг 3 та туманида электр энергияси бўйича тўловларни йиғиш вазифасини хусусий оператор компанияларга топшириш бўйича ўтказилган тажриба тўловларни йиғиш 90 фоизга етганини, тажриба йўқлиги 13 фоизгача камайганини кўрсатди.

Саноатдаги таркибий қайта ўзгаришлар натижалари. 2009 йилнинг I чораги давомида инвестиция лойиҳаларини фаол амалга ошираётган ёқилги (2008 йилнинг шу даврига қараганда 118,3 фоиз), кимё ва нефть-кимёси (116,8 фоиз), машинасозлик ва металлургия қайта ишлаш тармоғи (115,5 фоиз), қурилиш материаллари (122,9 фоиз), ёғоч, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-коғоз (115 фоиз), қора металлургия (112,3 фоиз) соноатларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал ўсгани қайд этилди.

Юқорида қайд этилган тармоқларда ишлаб чиқариш ўсишининг юқори суръатлари, авваламбор, мамлакатимизда

янги ишга туширилган ва ишлаб чиқаришни техник модернизация ва диверсификация қилиш доирасида модернизация қилинган корхоналар ҳисобидан таъминланмоқда.

V. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш, қишлоқни ободонлаштириш дастураини амалга ошириш

Хисобот даврининг 2009 йилда қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилган қўшимча ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари рўйхати, шунингдек, Инкирозга қарши чоралар дастурига қиритилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга доир тадбирлар тасдиқланди.

Сўғирилган ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 3048,2 километрик туманлар ва ҳўжалиқлараро коллектор-дренаж тармоғи тозаланди. Ихтисослашган пулдратчи ташкилотларни замонавий мелiorация техникаси билан таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг I чорагида ирригация тизимларини реконструкция қилиш ва ишлашнинг таъминлаш, шунингдек, сув омборлари қурилиши учун 156,3 миллиард сўм йўналтирилди.

Бухоро (54,3 га), Жиззах (291 га), Қашқадарь (200 га), Навоий (50 га), Наманган (50 га), Самарқанд (53 га) ва Фарғона (100 га) вилоятларида жами 800 гектар майдонда томчилтаб сўғириш тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бухоро (54,3 га), Навоий (10 га), Фарғона (11 га) вилоятларида эса томчилтаб сўғириш тизими қурилиши амалга оширилмоқда.

I чорак давомида давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан сув таъминоти ва канализация соҳасида 20 та лойиҳа амалга оширилди. Республика бўйича ҳисобот чорагида жами узунлиги 237,7 километр сув қувури ва 249,1 километр газ узатиш тармоғи ишга туширилди. Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрали участкасини барпо этиш ишлари жадал амалга ошириб келинмоқда.

Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш доирасида жорий йил I чорагида қишлоқ жойларда қўшимча равишда 1219,8 минг квадрат метр уй-жой, 220,6 километр газ узатиш ва 202,9 километр сув қувурлари тармоғи ишга туширилди. Қишлоқ жойларда уй-жойлар ишлаб чиқариш ва маиший объектларни таъмирлаш ҳамда қишлоқ объектларини тўла тайёр ҳолда топшириш ишларини бажарувчи 91 та қурилиш-таъмирлаш ташкилоти ташкил этилди. Қишлоқ жойларда ягона тидидаги уй-жойларни қуришни молиявий қўлаб-қувватлаш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди ва унинг қишлоқларда кенг қўламада ягона тидидаги уй-жойларни қуриш имконини берадиган устаз жамғармаси манбалари шакллантирилди. Жорий йилнинг I чорагида, асосан, қишлоқни ободонлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича ресурс, институционал ва таш-

килий базани яратиш ишлари амалга оширилди. Бундан қўзғалган «Мақсад» кейинги даврларда ушбу дастурнинг асосий вазифаларини самарали рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Ҳудудий ободонлаштириш органларини замонавий ва маъсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш, маҳаллий бюджетларни шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларини ишлаб чиқариш ходимлари билан тўлдирish учун қўшимча молия ресурслари билан таъминлаш ишлари амалга оширилди.

Замонавий меъморчилик-шаҳарсозлик талаблари ҳисобга олинган ҳолда, шаҳар ва туман марказларини ободонлаштириш бўйича Ишларни ташкил этиш қондалари ҳамда тариф ставкалари ўртача 25 фоизга оширилган ҳолда, ободонлаштириш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича соҳага оид тариф сеткаси тасдиқланди.

VI. Қишлоқ қўзғалган иқтисодий ислоқларни давом эттириш

Янги қишлоқ ҳўжалик йили бошида фермер ҳўжалиқларини йириклаштириш ва уларнинг самарали фаолият юритиш учун шарт-шароит яратиш бўйича ишлар тўлиқ якунланди. Аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтижини тўлиқ қондириш мақсадида паста эканлидан ердари 75,8 минг гектарга қисқартириш ҳисобидан бошоқли экинлар етиштириш ладиган экин майдонлари 48,8 минг, сабзидан картошка эканлидан майдон завоёт ва картошка эканлидан майдон завоёт 14,6 минг, нозанавий мойли экинлар майдонини 12,4 минг гектарга кенгайтирилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи сотиш бўйича «Мева-сабзавотгайерловсавдо» ихтисослашган ҳудудий компанияларини ташкил этишга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. 1285 та қайта ишлаш корхонаси, агрофирма, фермер ҳўжалиги, озиқ-овқат (деҳқон) бозори, тижорат банки, транспорт ва бозор инфратузилмасининг бошқа корхоналари ушбу мақсадларга таъсирчилари бўлди.

2010-2011 йиллар давомида минитехнологиялар билан жиҳозланган 963 та қайта ишлаш корхонаси, жумладан, мева-сабзавот қайта ишлаш бўйича 177, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 224 ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 353 та корхона ташкил этишни кўзда туғувчи ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди.

Ҳудудларда ташкил этилаётган қайта ишлаш корхоналарини зарур хом ашё (мева-сабзавот, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари) билан таъминлаш мақсадида Аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга мувофиқ, жорий йилда 5510 минг тонна сабзавот, 1477 минг тонна мева, 899,4 минг тонна узум, 1365 минг тонна гўшт (тирик вазнда) ва 5778 минг тонна сут ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

2009 йилнинг I чораги-якунларига кўра, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологиялар ва ихчам ускуналардан фойдаланадиган 27 та янги корхона ташкил этилди. Шаҳсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжали-

ларида чорва моллари сонини кўпайтириш рағбатлантириш, сервис жиҳазлари тармоғини ташкил этиш ва чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурининг амалга оширилиши натижасида чорвачиликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Чорвачилик дастури доирасида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига қимомиди савдолари орқали 6146 бош зотдор мол сотилди, хориждан 1237 бош зотдор мол тегирилди, 4992 бош ситир кам таъминланган оилаларга бепул берилди. Тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигининг Бандликка қўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 8,4 миллиард сўм ажратилди. Корхоналар 170,6 минг тонна омхта ем ишлаб чиқарди.

Қурилган чоралар натижасида қорамоллар сони 8008,3 минг бошга етди ёки 2008 йилнинг тегишли даврига нисбатан 108,2 фоизни ташкил этди, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми 5,7 фоиз ошди. Утган йилнинг биринчи чорагида қараганда, сабзавот (115,5 фоиз), гўшт (106,7 фоиз), сут (106,8 фоиз) ва туғум (112,6 фоиз) кўп ишлаб чиқарилди.

VII. Хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантириш

Кичик бизнес учун солиқ ва маъмурий юкни камайитириш, Инкирозга қарши чоралар дастурини, шунингдек, иқтисодий модернизация қилиш, уни ички бозорга йўналтириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўлаб-қувватлашнинг амалга оширишга доир қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлар кичик бизнесни қўшимча равишда қўлаб-қувватлашнинг таъминланди.

Жорий йилнинг I чорагида 3769 та янги кичик корхона рўйхатга олинди, чорак давомида уларнинг сони (фермер ҳўжалиқлари ҳисобга олинмаганда) 1,8 фоиз кўпайди. Кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги улуши 36,2 фоиз (2008 йилнинг I чорагида 35,1 фоиз), саноатда 14,1 фоиз (11,6 фоиз), бандликда 73,7 фоиз (72,5 фоиз), экспортда 13,8 фоиз (12,5 фоиз)ни ташкил қилди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 111,4 фоизни ташкил қилди ва бу тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

ЖАҲОН 24 соат ичида
Халокат сабаби номаълум

АҚШнинг Калифорния штатида кўнгилсиз воқеа рўй берди.

"Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, бир гуруҳ франциялик сайёҳларни олиб кетаётган автобус темир йўл устига қурилган кўприқдан ўтиш чоғида ағдарилиб кетган.

«Даймлер» филиалини сотаяпти

Германия иқтисодиётига катта миқдорда наф келтирадиган «Даймлер» автоконцернида ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири сезилмоқда.

Гап шундаки, «Мерседес» русумидаги автомобилларни ишлаб чиқарувчи мазкур концерн мана, бир неча ойдири, фойда кўрмапти. Хусусан, у йилнинг дастлабки чорагини 1,3 миллиард евро миқдоридagi зарар билан яқунлаган.

Антарктика музликлари парчаланмоқда

Антарктиканинг шимолий қисмидаги Уилкинс музликлари аста-секин бўлақларга бўлинапти.

Бу жараён Европа космик агентлиги(ESA)нинг сунъий йўлдоши ёрдамида олиб борилган кузатувлар чоғида аниқланди. Мутахассисларнинг фикрича, об-ҳавонинг ҳаддан зиёд исий кетиши музликларнинг парчаланishiга сабаб бўляпти.

Қўшимча куч жўнатилади

Польша ҳукумати Афғонистонга қўшимча ҳарбий контингентини юбормоқчи.

Бу ҳақда мамлакат бош вазирини Дональд Туск англиялик ҳамкасби Гордон Браун билан Варшавада ўтказган музокаралари чоғида айтиб ўтган.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

15 йил давомида ўзбекистонга парвозлар



БИЗНЕС-КЛАСС ТОШКЕНТ МОСКВА 323 ЕВРО ВА УНДАН ЮҚОРИ

ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ РОССИЯНИНГ ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР ДАСТУРИ:

ВЛАДИВОСТОК, П-КАМЧАТСКИЙ, САМАРА, ХАБАРОВСК, МАГАДАН, АНАДИРЬ, УФА, ҚОЗОН, КРАСНОЯРСК, ОМСК, ТОМСК, БЛАГОВЕШЕНСК, С-ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, Ю.САХАЛИНСК, НОВОСИБИРСК.

ТЕЛЕФОНЛАР: 227-01-87, 227-00-78, 227-09-19. www.transaero.ru

КАСБ ТАНЛАМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ!

Тадбирда кўплаб касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг тақдими ўтказилди. Экспозициянинг очилиш маросимида пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг битирувчи ўқувчилари, ота-оналар, таълим муассасаларининг педагог ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида таълим мутахассисликлари кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Урта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма

— Бугунги кўргазма ёшларимиз учун ўз салоҳияти ва иқтидорига мос мутахассислик танлаш имконини беради, — дейди Тошкент курилиш ва миллий хунарандчилик касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари Шухрат Пўлатов. — Ўғил-қизларимизнинг илму хунар эгаллашга бўлган интилиши ва қизиқиши бугунги тадбир баҳона ҳар қачонгидан аққолроқ намён бўлаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, бизнинг коллежда мавжуд заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, тикув-

чилик, миниатюра наққошлиги сингари ўқув йўналишлари кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Ёшлар, асосан, коллеждаги шарт-шароит, ўқув устaxonалари фаолияти, но-анъанавий дарс жараёнлари билан қизиқишяпти. Нилуфар Ҳамидова Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида таълим олади. У ўқув даргоҳидаги замонавий шарт-шароит, устозлари маҳорати, ноода-тий дарс машғулотлари хусусида

тенгқурларига маълумот бермоқда. — Бизнинг лицейида шарқ тиллари чуқур ўргатилади, — дейди Н.Ҳамидова. — Хорижий филология ҳамда аниқ фанлар йўналишида араб, форс, ҳинд, урду, турк, япон ва хитой тиллари, қолаверса, инглиз тилидан сабоқ олиш мумкин. Дарсларимиз турли кўргазмалар воситалар ёрдамида, хорижлик меҳмонлар иштирокидаги баҳс-мулоқотлар тарзида ташкил этилади. Бундан ташқари, ҳар йили Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби

қадимий шаҳарларга саёҳат қилиб, бу жойлардаги тарихий ёдгорликлар ҳақида бир-биримиз билан чет тилида сўзлашамиз. Бу гид-таржимонлик бўйича тушунчага эга бўлиш ва хорижий тилда эркин мулоқотга киришиш имконини беради.

Кўргазмада шу сингари намуна-ли ўқув даргоҳлари ўзлари эришган ютуқ ва муваффақиятлар ҳамда таълим жараёнига табиқ эътиборни янгилаш услубларини намойиш этишди. Шу маънода ушбу тадбир ўқув муассасалари битирувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда ёшларнинг замонавий асосда билим олиш истагини янада кучайтиришга хизмат қилади, дейиш мумкин.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТ Ривожланиш дастури, Жиззах вилояти ҳокимлиги ва «Камолот» ЕИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Одам савдосига қарши курашиш ва меҳнат миграцияси» мавзусида семинар ўтказди.

Ёшлар одам савдосига қарши

Анжуман иштирокчилари одам савдосига қарши курашишда Идорадорлар комиссияси фаолияти ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг «Меҳнат миграцияси жараёнларида иштирок этувчи аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни кўллаб-қувватлаш» лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган тадбирлар билан таниди.

Семинарда фаол иштирок этган ёшларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сертификатлари топширилди. Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАРАР УЧУН МИЛЛИОН СЎМ

Шу йилнинг ўн олтинчи февраль куни Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига пойтахтимизнинг Яққасари туманида истиқомат қилувчи фуқаро М. Мирсоатов номидан ариза келиб тушди.

Ариза мазмунига кўра, у ўзининг икки ярим миллион сўмлик киши устки кийими — шубасини «Lavandera» машиной хизмат кўрсатиш корхонасига кимёвий тозалаш учун топширади. Аммо корхона ходимларининг эътиборсизликлари туфайли сифатсиз тозаланган шубага жиддий зиён етказилди. М. Мирсоатовнинг давтосица, корхона унга етказилган зарарни тўлаб бериши лозим.


шундай камчиликка йўл қўйганмиди? Бу саволга бир-лашма мутахассислари ўрганиш жараёнида жавоб топилиши ва ариза муаллифига ўзаро келишилган ҳолда корхона ҳисобидан бир миллион сўм миқдорда зарар ундириб берилади. — Бугунги кунда истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларини жуда ахши биледи, — дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси вази-фасини бажарувчи А. Мирзаев. — Буни биргина жорий йилнинг биринчи чорагида тузилмаларимизга 1700 тага яқин му-рожаат келиб тушганлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Мазкур му-рожаатларнинг ак-

сарияти коммунал хизмат, савдо, соғлиқни сақлаш ва транспорт хизмати соҳалари-га тегишлидир. Масалан, Хо-разм вилояти, Қўшқўпир ту-мани, Ш. Рашидов кўчасида яшовчи М. Хўжаниёзовнинг хонадонига ичимлик суви тармоғи улна-манган бўлса-да, унга мутасадди идоралар то-монидан ўттиз сақиз ми-нг сўмдан ортироқ қарадорлик ёзилганлиги тўғрисидаги му-рожаати фуқаро ҳисобига ижобий ҳал этилди. Ёки яна бир ҳолат. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Олмазор ша-ҳарчасида истиқомат қилу-вчи Нодира Қиличеванинг «Чи-нозтумангаз» корхонаси то-монидан нореал ҳисобланган 198 618 сўмлик қарадорлик тўғрисидаги аризаси ўргани-

Назорат

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5³ в/ч дан 500³ в/ч гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЭК филтратлари, ИЗО муфталари



Махсулот сертификатланган.
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» маззеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шухрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

ГРИППНИНГ ЯНА БИР ТУРИ

Сўнгги пайтда Мексикада тарқалган «чўчка гриппи» Осиё ва Европанинг айрим мамлакатларига ҳам таҳдид солмоқда.

Мексика Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатда А/Н1Н1/ штаммли «чўчка гриппи» вирусини юқтирганлар сони икки мингга етган. Бу касаллик туфайли вафот этганлар сони юз элликдан ошган. Мамлакатдаги кўплаб идоралар, мактаблар, кутубхона ва рестороанлар вақтинча фаолиятини тўхтатган. Чунки вирус одам гавжум жойларда тез тарқалади.

Унга мувофиқ А/Н1Н1/ штамми вирусини юқтирган беморларга алоҳида тиббий ёрдам кўрсатилаётир. Шарҳловчи минбари
Хусусан, Янги Зеландияда «чўчка гриппи»ни юқтирганлар сони олтимишга етган. Уларнинг аксарияти Мексика ва АҚШдан касал орттириб келган. Пул ишлаш мақсадида Канадага кел-лаётган мексикаликлар бу ерда ҳам касаллик тарқалишига сабаб бўлмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, жорий йилнинг биринчи чорагида Канадага йи-

гирма миңдан зиёд мексикалик кел-ган. Уларнинг аксарияти кишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлайд. Шифокорлар фермаларда боқила-ётган чўчкалар вируснинг манбалари эканини таъкидламоқда. Ёғилар мав-суми ва совуқ ҳаво грип тарқалиши-ни икки баробар кучайтирмоқда. Ёгин-гарчиликдан кейинги парламент ту-файли ҳавода катта миқдорда вирус до-началари тарқалмоқда. Аини дамда миллионлаб одамнинг ҳаёти ҳавф о-стида. Касалликнинг асосий белгилари — тана ҳароратининг кўтарилиши, қаттиқ йўтал, ҳолисизлик ва мушаклар-даги кучли оғриқ.
Мадина УМАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИ
ТОМОНИДАН СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ, СПОРТ КИЙИМЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ҲАМДА СУНЪЙ КОПЛАМАЛАРИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.
УШБУ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР ГОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ:
ТТ-2009-I
• «Стеклопластик» ОАЖ, Самарқанд шаҳри
• «Хўжаобод» МЧЖ, Андижон шаҳри
• «Спартак мега» МЧЖ, Тошкент шаҳри
• «Машхим» МЧЖ, Наманган шаҳри
• ХТ «Мирсодиқов М.М.», Тошкент шаҳри
• «Отабек» МЧЖ, Самарқанд шаҳри
• «Азия Спорт С» ХФ, Тошкент шаҳри
• «Телеметрик» МЧЖ, Тошкент шаҳри
ТТ-2009-II
• «Шоҳ Акбар» ХСИЧФ, Андижон шаҳри
• «Слейк сити» МЧЖ, Тошкент шаҳри
• «Лаверна сервис» МЧЖ, Тошкент шаҳри
ТТ-2009-IV
• TSA SPORT TRADING (Малайзия)

ШПАТЛЁВКА
AzKO
Тел.: +(99897) 718-78-73.
Факс: +(99871) 277-96-38.
Тошкент ш., Чилонзор к., 1-«Б» уй.
Мўлжал — «Ўзбекфильм» қ/с.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

ЭЪЛОН
Халқ таълими вазирлиги томонидан «Маърифат» газетасининг 2009 йил 28 мартдаги 25 (8154)-сонида ва «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 1 апрелдаги 67 (4730)-сонида 2009 йилда умумтаълим мактабларига «Маънавият ва маърифат» хоналари ва ётоқхоналар учун телевизор (5-лот), ётоқхоналар ва спорт заллари учун шахмат-шашкалар (27-лот), тиббиёт конаси учун музлаткичлар (29-лот), мактаб-интернатлар учун махсус мебель ва жиҳозлар (35-лот), мактаб-интернатлар учун устaxonа жиҳозлари (36-лот), фаоллар зали учун жиҳозлар (37-лот) ва спорт заллари учун жиҳозлар (38-лот) харид қилиш бўйича қайта тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган эди.
Мазкур эълонларга мувофиқ, тендер таклифлари тақдим этиш муддати жорий йилнинг 29 апрель куни соат 15.00 гача этиб белгиланган эди.
Ушбу ўтказиладиган қайта тендер савдоларида иштирок этиш учун янада кўпроқ маҳаллий корхона ва ташкилотларни жалб этиш ҳамда раёбатчини кучайтириш мақсадида, Халқ таълими вазирлиги тендер таклифларини топшириш муддати 2009 йил 12 май соат 15.00 га қадар узайтирилганлигини маълум қилади.

INTEGRAL ASIA
DELL
... от карманных компьютеров до серверов...
3 Технологии, обеспечивающие уверенность
Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Тошкент давлат иқтисодий университетини ректорати ва Бирлашган касаб ва кўмитаси Педагогика ва психология кафедраси доцентни Феруза Расуллова укаси
Анвар РАСУЛЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ҒАЛАБАГА ИШОНЧ РУҲИДА

Наманган вилояти вакилларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларидаги фаоллиги мунтазам ошиб бораётди. Жумладан, ўтган галги баҳсларда енгил атлетика, курашнинг икки тури, сузиш, кўл тўпи бўйича юқори натижалар қўлга киритилган эди. Бу сафар улар ўз олдларига янада каттароқ мақсадлар қўйишган. Чунки спортнинг 12 тури бўйича шакллантирилган терма жамоа аъзоларининг барчаси маҳоратли ўғил-қизлардир.

Мусобақаларнинг шаҳар ва туманларда ўтказилган вилоят босқинчида 1884 нафар ёш спортчи иштирок этди, — дейди "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Комилжон Охунов. — Улар орасидан саралаб олинган 128 нафар спортчи Гулистондаги баҳсларда вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Вилоятда спортнинг оммавий турлари бўйича алоҳида имкониятга эга бўлган таълим масканлари анчагина. Табиийки, терма жамоани шакллантиришда масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, Тўрақўрғондаги 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде белбоғли кураш усталари тарбияланади. Унинг раҳбари Нейматжон Тўйчиев катта спорт байрамига ўзининг турт нафар шогирдини олиб боради. Кўл

тўпи бўйича қизлар жамоаси эса Косонсойдаги 29-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиларидан ташкил топди. Янгиқўрғон тумани Исковот кўлидаги 26-мактабнинг волейболчи қизлар жамоаси эндиликда бутун мамлакатга машҳур. Исковотлик қизлар яқинда ўтказилган мамлакат биринчилигида чемпион бўлишганди. Энди "Умид ниҳоллари"да майдонга тушишди. Наманган туманида мураббий Адҳам Норматов тузган волейбол бўйича ўсмирлар жамоаси ҳам жиддий баҳсларга шай турибди.

Наманганда болалар спортини оммалаштириш борасидаги амалий тадбирлар кўлами тобора кенгаётгани кўзга ташланади. Айни чоғда бу ердаги 29 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде 22726 нафар ўғил-қиз малакали мураббийлар сабоғидан баҳраманд бўлмоқдалар. Агар унга халқ таълими тизимидаги 2483 та

спорт иншоотида машғул бўлган ёшларни қўшсак, мустақам саломатлик омили бўлган жисмоний тарбия иштиёкмандалари сони анча салмоқли кўриниш олади. Эндиликда таълимга кириб қолган ва нуфузи ортиб бораётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" ўғиллари ҳам ёшларнинг спортга бўлган меҳрини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Болалар спортининг наватдаги байрамга тайёрлик ҳақида гап кетар экан, халқ таълими тизими билан биргаликда вилоятдаги қатор муассасалар бу муҳим ишга фаол кўмак берганиликлари ташкил қилинган. Сафарга шай турган ёшлар 23 миллион сўмлик спорт кийимлари билан таъминланди. Хозирги кунда эса тайёрлик ўқув йилларининг сўнгги босқичи ниҳоясига етказилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Яна санокли кунлардан сўнг Сирдарё вилоятида "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг республика босқичи бошланади. Яқинда Урганч шаҳрида 8-9-синф ўқувчилари ўртасида мусобақанинг Хоразм вилояти босқичи ўтказилди.

ЖАМОАЛАР ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

Унда воҳанинг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган 1804 нафар ёш спортнинг 12 тури бўйича баҳс юритишди.

Яқинда футбол, баскетбол (ўсмирлар ва қизлар), кўл тўпи (ўсмирлар), теннис, стол тенниси, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика бўйича Урганч шаҳри, кураш, енгил атлетикадан Шовот тумани, кўл тўпи (қизлар), шахматдан Янгибозор тумани, волейбол (ўсмирлар ва қизлар)дан Кўшқўпри тумани, белбоғли курашдан Янгибозор тумани,



ЖАМОАЛАР ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

сузишдан эса Хазорасп тумани жамоалари голиб чиқди.

Айни пайтда хоразмлик ёшлар мусобақанинг республика босқичига қизгин хозирлик кўришмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан спортчиларнинг тўлақонли шугулланишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Жумладан, Янгибозор туманида белбоғли курашчилар маҳоратларини ошираётган бўлишса, Кўшқўпри туманида волейболчи ўсмирлар машғулотлар олиб боришмоқда. Бошқа турлардан тайёрларликлар Урганч шаҳрида уюштирилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 1970 нафар ўқувчи ўзаро куч синашди.

Беллашувлар Нукус шаҳри ва туман марказларидаги замонавий спорт мажмуаларида ташкил этилди. Мусобақа яқинда баскетбол, волейбол (ўсмирлар), кўл тўпи (ўсмирлар ва қизлар), сузиш, футбол, кураш, енгил атлетика, бадий ва спорт гимнастикасида Нукус шаҳри, волейбол (қизлар)дан Беҳруни тумани, шахматдан Тахиятош шах-

қаси кенгаши раиси ўринбосари Е. Аҳимов. — Уша анъанани бузмаган ҳолда "Умид ниҳоллари" мусобақасининг Сирдарё вилоятида ўтадиган республика босқичида ҳам муваффақиятли қатнашни мақсад қилиб қўйганимиз. Бундай дейишга асосларимиз бор. Хозир терма жамоани мураббийлар кўли остида машғулотлар олиб боришмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АЛДАНИБ ҚОЛГАН ЁМОН

"Тузок" фильмидан шундай хулосага келиш мумкин.



Ҳаёт яралибдики, инсон ва унинг эътиқодини айро тасаввур қилиб бўлмайди. Одамзот ўз умри давомида ишонча, эътиқодга таяниб яшайди. Бинобарин, унинг эътиқоди ҳам ўзи каби ҳурматга, эъзозга лойиқ бўлмоғи керак.

Онгу тафаккурга таҳдид, соф эътиқодли кишилар қалбига тажовуз қилишни кўзлаган кимсалар, яъни миссионерлар хатти-ҳаракатини ҳеч қандай йўл билан оқлаб бўлмайди. Ўзларининг фарзли мақсадлари, қабил режаларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиганлар нафратдан бошқасига лойиқ эмас.

Киночилар уйда худди шу мавзуга қаратилган "Тузок" номли янги бадий фильм бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди. "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига мувофиқ "5-студия" Ёшлар ижодий уюشمаси томонидан яратилган ушбу бадий фильм намойиш этилган, санъатшунос олимлар, кино мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

"Тузок" фильми диний оқимларга адашиб кириб қолган кишиларнинг аянчи қисмати ҳақида ҳикоя қилади. Комил исмли йигитнинг (актёр Улугбек Юнусов) иши, топши-тутиши яхши. Унинг ширинлигига оиласи бор. Комилнинг бундай тўқис ҳаёти маккор дўстларига ёқмайди. Улар Комилнинг соддалигидан фойдаланиб, уни алдашди, бойлигини совириш ниятида диний оқим тузоғига илтиришди. Оқибатда сохта эътиқод соҳибларининг асл ниятларидан хали тўла воқиф бўлмаган йигит отасидан ҳам, оиласидан ҳам воз кечди. Вақт ўтган эса муҳим хатога йўл қўйганини англаб етди. Кинода шунингдек, Нигора Каримбоева, Бахтиёр Қосимов, Феруза Юсупова каби маҳоратли актёрларимизнинг талқини ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Шу маънода, матбуот анжуманида таъкидланганидек, "Тузок" бадий фильми ҳаётий воқеалар асосида яратилганлиги боси кишини бефарқ қолдирмайди. У ҳар биримизни оғоҳ бўлишга, фарзандларимиз тақдирига янада жиддийроқ қарашга даъват этади.

Асрлар давомида халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одати, удулари, маросим-маъракаларининг ажралмас қисмига айланган диний эътиқодига путур етказмоқчи бўлганларнинг қилиши терроризм балоси каби муҳим оқибатларни келтириб чиқармаслигига ҳеч қандай шарт-шароитлар нафақат оқ-қорани таниб-танимаган ёшларимиз, балки ҳали маънавий дунёқараш тўлиқ шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз келажакка ҳам соя солмоғи мумкин.

Холбуки, юртимизда диний бағрикенглик мавжуд. Тоат-ибодат учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Қолаверса, мамлакатимизда бошқа дин вакиллари нисбатан ҳам ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлинаётгани барчамизга аён. Аммо глобализация, юксак техника ва технологиялар, ахборот ва электроника асри, деб аталмиш бугунги шиддаткор замонда инсоният келажакка раҳна солаётган гийҳандлик ва жиноятчилик, шунингдек, миссионерлик сингари иллатлар, таассуфки, бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳар қандай олчоқликдан, иккиюзламачилик ва фирбирликдан қайтмайди. Ўртдошларимиз орасида ана шундай ёт оқимлар, ғоялар таъсирида, ахнабий раҳнамолар кутқусига алданиб қолаётганлари кўриб, юрак ачишди. Халқимизда эса эътиқоддан воз кечиб ота томонидан оқ бўлиш, Ватанга хиёнат қилиш сингари гуноҳ азиям саналади...

М. ЖОНИНОВ.

Тадбир

Фавқуллода вазиятлар вазирлигида "Республика-камиз вилоятлари ва иктисодиёт объектларида ўтказилган кўмондонлик ҳамда махсус-тактик ўқув машқларининг аҳамияти" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

АМАЛИЙ ИШЛАР САРҲИСОБИ

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, жумладан, аҳоли ҳамда худудларни таъмин ва теҳноген хусусиятли фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Аҳоли ва худудлар муҳофазаси бўйича Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шунга асосан фавқуллода вазиятлар чоғида давлат тузилмаларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб бориш, аҳолини тўғри йўл тутишга ўргатишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда жорий йилнинг дастлабки чорагида Тўрткўл, Урганч, Жарқўрғон ва бошқа туманларда 13 та кўмондонлик, 143 та махсус-тактик ўқув машқлари ташкил этилди.

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Илҳомланиш» кўргазмаси

Самарқанддаги "Чорсу" тасвирий санъат галереясида "Тасвирий санъат ҳафталиги — 2009" шори остида вилоят мўйқалам соҳиблари ва усталарининг "Илҳомланиш" деб номланган кўргазмаси очилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан танқидли мусаввирлар ёш тасвирий санъат соҳибларига омад тилади, ўқувчиларнинг вилоят, республика ва жаҳон кўрик-танловларидаги муваффақиятларини эътироф этишди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИҚТИДОРЛИЛАР — ИФТИХОРИМИЗ

Ёш авлод камолоти ҳақида гап кетганда, иқтидор ва истеъдод тарбиясига алоҳида ургу берилади. Зеро, бугун мамлакатимизда маъна ва жисмонан баркамол йигит-қизларни воғга етказиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳар бир ёшнинг иқтидор ва қобилияти, қизиқиш ва интилишларини муттасил ривожлантиришни таъминламоқда.

Айни пайтда Самарқанд шаҳридаги педагогика коллежида тахсил олаётган 1870 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар ҳам шундай қулайлик ва имкониятлардан баҳраманд. Коллеждаги 17 та фан тўғрагаги 1116 нафар йигит-қиз жалб қилинган. Замонавий жиҳозланган спорт зали, мини футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи майдонлари ўқувчилар хизматида. Қариб 30 мингта адабиёт фондига эга кутубхона, компьютер маркази ёшларнинг билимини мустақамлашда асос бўлаётти.

Албатта, ёшлар учун яратилган бундай имкониятлар натижасида эришилаётган ютуқлар эътирофга лойиқ. Хусусан, ўтган йили "Наврўз ва кадрятлар" республика кўрик-танловида коллеж талабаси Нарғиза Абдураимова голиблик қўлга киритган бўлса, "Иқтидорли мутахассис" танловида ўқув журтнинг яна икки



нафар талабаси совриндор сифатида бир йиллик стипендия олишга муваффақ бўлишди. Бундан ташқари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан таш-

кил этилган "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" кўрик-танловининг республика босқичида коллеж ўқувчиси Юлдуз Қораева "Энг замонавий дўппи" номинацияси бўйича голиб бўлди.

Билим юртида "Мақтабча таъ-

ташқари ва мактабча таълим масканлари учун ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрланади. Шу боис, коллеж ўқувчилари орасида санъатга иштиёқманд ёшлар кўп. Билим юрти қоғида ташкил этилган "Гулдаста", "Дугорчи қизлар", "Вокалли қизлар" ансамбллари ҳамда фольклор дастаси ана шундай иқтидорли ёшларни ўз атрофига жаллаган.

Мамлакатимизда санъат соҳаси ривожини йўлида беқийё ишлар амалга оширилади, — дейди коллежнинг мусика бўлими раҳбари Малоҳат Аллаёрова. — Негаки, инсоннинг маънавий юксалишида санъатнинг, мусиканинг ўрни катта. Шу боис мусика таълими йўналиши бўйича касб эгаллаётган ўқувчиларимизга кунт билан билим ўргатилади. Келажакда эса улар шу соҳа мутахассиси сифатида ёшларни камолга етказадилар. Муҳими, сабоқларимиз бесамар кетмаяпти. Хусусан, ўтган йили "Барҳаёт анъаналар" кўрик-танловининг республика босқичида коллежимизнинг фольклор дастаси бош соврин — Гран-при соҳиб бўлди. Ишонаманки, бундай ютуқларимиз салмоғи йил сайин кўпайиб бораверади.

Б. АКРАМОВ олган сурат.

ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

С. Айний номидаги Бухоро вилояти мусикали драма ва комедия театрида ҳаваскор театр жамоалари ва кўғирчоқ театрлари ўртасида ташкил этилган кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодияти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази, "Ўзбектеатр"

ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Маҳалла" ҳамда "Олтин мерос" жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу та-

бирда Фарғона вилояти, Бешарик тумани маданият уйи қошидаги халқ театрининг "Фирибгар" спектакли олий ўринга муносиб

ли маданият ва истироҳат боғининг "Шумтака" кўғирчоқ театри намойиш этган "Баджаҳл қувён" ҳамда Ёрдувон тумани марказий маданият уйи қошидаги халқ кўғирчоқ театрининг "Олов билан йўналиш" спектакллари биринчи ўринга муносиб деб топилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХУШҲҮР ВА ДАРМОНДОРИ МЕВА

Навбахор фасли фусункор табиати, гўзаллиги билан дилларимизга хушнудлик бахш этмоқда. Унинг сумалағу ҳалим, довучаю ошқуқ сингари тансиқ ва хушхўр неъматлари танларга ором, вужудга қувват ато этиши билан ҳам суйинилди.

Яна санокли кунлардан сўнг, яъни баҳорнинг сўнгги ойда пишиб етиладиган лаззатли мева — қулупнай ҳам ана шундай ҳаётбахш неъмат саналади. Халқ табиатида қулупнай қувватсизлик, паритиотирлик ва ҳафакон ҳасталигида ижобий таъсир кўрсатуви табиий омилирдан бири сифатида эътироф этилади. У терлатувчи, пешоб хайдовчи беозор даводир. Қолаверса,

қулупнай камқонлик, жигар ва сафро йўллари дардлари, гепатит, рахит ҳамда бавосил касалликларига қарши курашда ҳам яхши самара беради.

Хасталиқдан эндигина турган камқувват беморларда қулупнай меваларини сут ва шакер билан аралаштириб берилса, қувват бағишловчи восита сифатида нафи

бор. Шунингдек, қулупнай меваси қон босимини туширувчи дармондори саналади. Халқ табиатида шунингдек, қулупнайнинг гепатит хасталиғига таълиғи аниқланган. Агар бемор унинг шарбатидан ярим пиёла миқдорда ичиб турса, буйрак, қовуқ, ўтдаги тош ва қуллардан халос бўлади.

Доно ХУҲАЕВА, доришунос.

ОБ-ҲАВО

(30 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 8-13 даража илик, кундузи 22-27 даража иссик бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 8-13 даража илик, кундузи 23-28 даража иссик бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ёгингарчилик кутатилмайди. Ҳарорат тунда 8-13 даража илик, кундузи 23-28 даража иссик бўлади.

Тошкент вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 8-13 даража илик, кундузи 23-28 даража иссик бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 28-33 даража иссик бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутатилмайди. Тунда 5-10 даража илик, кундузи 22-27 даража иссик бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 8-10 даража илик, кундузи 24-26 даража иссик бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, классер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ: 233-70-33. САЙТ: WWW.POSTA.UZ. ФАКС: 236-36-48. E-MAIL: OAD@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадлал Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Орпонов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусахҳад — Х. Тўшқужаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳада якуни — 23.00. Топширилди — 23.30